

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
Урта маҳсус таълим вазирлигининг  
2012 йил 26 декабрдаги  
507 - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.

**Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси**

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари  
умумкасбий ва маҳсус фанлари педагоглари учун малака ошириш  
йўналишининг ўкув дастури

**Тошкент – 2012**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги  
педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш тармоқ маркази

Малака ошириш ўкув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари  
бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2012 йил “25” декабрдаги 4 -сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: ТТЕСИ проф.А.П.Парпиев, проф.А.М.Салимов,  
проф. М.Т.Ходжиев

Тақризчилар: ТТЕСИ т.ф.д., проф. М.М.Шукров,  
«Енгилсаноат» ДАК бошқарма бошлиғи,  
т.ф.н. Ж.Мардонов

Ўкув дастурлари Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти  
Илмий кенгашида тавсия қилинган (2012 йил 3 декабрдаги 4-сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илфор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фanni ривожлантиришнинг устивор йўналишларини, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитиши, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларини амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараённада самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

### **Умумий тайёргарлик модули:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари;
- Таълим–тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари;
- Таълим сифати менежменти.

### **Умумкасбий тайёргарлик модули:**

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;
- Амалий хорижий тил.

### **Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологиясида инновациялар;

- Пахта тозалаш саноатини техника ва технологияларини илмий муаммолари;
- Пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнларида маҳсулот сифатини назорати ва бошқаруви.

### **Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Табиий толаларни дастлабки ишлаш фанининг дидактик таъминоти;
- Пахтани дастлабки ишлаш машиналарини замонавий усулларда лойиҳалаш.

### **Танлов фанлари модули.**

- Пахта товаршунослиги

## **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар**

#### **Тингловчи:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меърий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;

- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- педагогика ва психологиянинг сўнгги ютуқларини;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- электрон педагогика асосларини;
- педагогик маҳорат асосларини;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологиясидаги инновацияларни;
- пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнларида маҳсулот сифатини назорати ва бошқарувини;
- пахтани дастлабки ишлаш машиналарини замонавий усулларда лойиҳалашни **билиши** керак.

**Тингловчи:**

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларини;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишни;
- виртуал лаборатория ишларини яратиш ва қўллаш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологиясидан фойдаланиш;
- пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнларида маҳсулот сифатини назорат қилиш ва бошқариш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологиясида инновациялар;
- пахта тозалаш саноатини техника ва технологияларини илмий муаммолари;
- пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнларида маҳсулот сифатини назорати ва бошқаруви;

- табиий толаларни дастлабки ишлаш фанининг дидактик таъминоти;
- пахтани дастлабки ишлаш машиналарини замонавий усулларда лойиҳалаш бўйича **малакалари**га эга бўлиши зарур.

## **Курсни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Модулларни ўқитишида дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик групкаларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини туталлаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

### **«Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси» малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни**

#### **I. Умумий тайёргарлик модули**

##### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари.**

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоӣ ҳаётини сиёсий институтлар, мағкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти унинг муҳим шарти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидағи замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиш, миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хукуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўрикномалар ва бошқа меъёрий хужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

## **1.3. Таълим сифати менежменти.**

Умумий сифат менежменти тушунчаси, асосий ғояси ва тамоиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари. Таълим сифатини юксалтириш воситалари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёни сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳияти. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битиравчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. ОТМларнинг рейтинги. Ўқитувчи илмий фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари. Ўқитувчининг маънавий-ахлоқий фаолиятини баҳолаш мезонлари. Мутахассислик фанлари бўйича ўқитувчининг услубий рейтинг баҳосини аниқлаш тартиби. Таълим жараёнини баҳолаш усуллари ва технологияси. АРМ ва кутубхона хизматини баҳолаш. Талабанинг «лавозим имконияти»ни баҳолаш услубиёти. Битиравчи талабаларнинг лавозим имконияти бўйича сифат тоифалари ва белгилари. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

## **II. Умумкасбий тайёргарлик модули**

### **2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.**

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга

йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологияк компетентлик.

## **2.2. Электрон педагогика асослари.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикиаси. Замонавий коммуникацион технологиялар. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Ўқитишининг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув кўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув кўлланмаларини яратишининг дидактик принциплари. Ўқитишининг интерфаол технологиялари.

## **2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.**

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагога қўйилаётган замонавий талаблар дидактик воситалар ва улардан фойдаланиш. Ўқитиши методлари. Маъруза, амалий дарс, лаборатория ва семинарларда ўқитиши технологиялари лойиҳалаш методи, Кейс стади талabalарни кичик гуруҳларда ишлашини ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилияtlари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

## **2.4. Амалий хорижий тил**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг асосий даражалари. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишида, бўш вақтларда бўладиган сухбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўнимаси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

### **III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

#### **3.1. Табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологиясида инновациялар.**

Табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологияларини ҳозирги ҳолати, ривожланиш йўналишлари ва уларнинг таҳлили. Табиий толаларни дастлабки ишлаш корхоналарига қўйиладиган замонавий талаблар. Табиий толаларни дастлабки ишлашни мувофиқлаштирилган технологияси ва уни таҳлили.

Табиий толаларни дастлабки ишлашни хорижий техника ва технологиялари ва уларни ривожланиш тенденцияси, ҳамда йўналишлари. Табиий толаларни дастлабки ишлашни глобал ва маҳаллий муаммолари. Табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологиясида инновациялар.

АҚШ ва Ўзбекистонда табиий толаларни дастлабки ишлашда техника ва технологияларни фарқлари, афзаллик ва камчиликлари.

Чет элдаги пахта тозалаш корхоналари. Улардаги пахтани қайта ишлаш технологияси ва ускуналари.

Пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнларида ишлаб чиқилган маҳсулотлар замон талабига мос, рақобатбардош бўлиб жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллаши борасида амалга оширилаётган ишлар. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологиясидаги инновациялар ўрганилиб борилиши лозим. Инновацион технологияларни жорий этилиш ҳолати. Ушбу фан замонавий ахборот технологияларини ўзида мужассамланган ҳолда бойитилиб, янги таълим технологиясини яратган ҳолда тингловчиларга сингдирилади.

### **3.2. Пахта тозалаш саноатини техника ва технологияларини илмий муаммолари.**

АҚШ ва Ўзбекистонда пахтани дастлабки ишлашнинг мавжуд техника ва технологияларини самарадорлигини таҳлили.

Пахта тозалаш саноатига тақдим этилаётган техника ва технологиялар ва уларнинг таҳлили. XXI-аср пахта тозалаш корхонаси моделига қўйиладиган асосий талаблар.

Пахта тозалаш саноатини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш. Пахтани қабул қилиш, ғарамлаш, саклаш, куритиш, тозалаш, жинлаш, толани тозалаш, намлаш, тойлаш, чигитни линтерлаш, тозалаш, момикни тозалаш ва тойлаш, толали чиқиндиликларни тозалаш, пахтани дастлабки ишлаш технологиясини аэродинамикаси, пахтани ташиш, сифатини назорати ва бошқарувидаги камчиликлар, илмий амалий муаммолар ва уларни ечиш йўллари ва йўналишлари. Пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологияларини ривожлантиришга оид амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар.

### **3.3. Пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнларида маҳсулот сифатини назорати ва бошқаруви.**

Пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнларида маҳсулот сифатини назорати ва бошқарувини тўғри ташкил этиш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган пахта маҳсулотларини жаҳон бозорида рақобатбардошлиги таъминламоқда.

Шу боис пахта хом ашёсига замонавий техника ва технологиялар билан ишлов бериб ундан, тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сифатини бошқариш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Маҳсулотнинг сифтини бошқаришда амалга оширилаётган ишлар. ИСО 9000-9004 халқаро стандартга ўтишда табиий толаларни дастлабки ишлаш корхоналарида амалга ошираётган ишлари.

Пахта тозалаш саноатидаги замонавий техника ва технологияларни, пахта хом ашёси ва ундан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини аниқлаш усулларини, технологик кўрсаткичларни ва уларда қўлланиладиган ҳисоблардан фойдаланишни, пахта тозалаш саноати технологияси ва жиҳозларини такомиллаштириш.

Пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнларида маҳсулот сифатини назорати ва бошқаришда хом ашёсининг физик - механик кўрсаткичларига қараб технологик жараёнларни танлаш, технологик жиҳозларни тўғри ишлатиш ва тажрибалар ўтказиш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини таҳлили.

## **IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

### **4.1. Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси фанини дидактик таъминоти.**

Олий таълим муассасаларида табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси таълим йўналиши. Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси йўналиши мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлари учун яратилган дидактик таъминот. Педагогик жараёнда инновация. Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти. Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

#### **4.2. Пахтани дастлабки ишлаш машиналарини замонавий усулларда лойиҳалаш.**

Пахта тозалаш корхоналарини технологик жараёни ва улардаги пахтани куритиш, тозалаш, толани ва момиқни чигитдан ажратиш, толани ва момиқни тозалаш, толали чиқиндиларни қайта ишлаш, пахта толаси, момиқ ва чиқиндилардан олинган толани тойлаш машиналари. Технологик машиналарини тузулиши ва ишлаши. Пахтани дастлабки ишлаш машиналарини замонавий усулларда лойиҳалаш. Технологик машиналари ва деталларини замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб лойиҳалашни тўғри ташкил этиш ва амалга ошириш, ишлаб чиқаришда катта ахамиятга эгадир.

Шунинг учун технологик машиналари ва деталларини замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб лойиҳалашга алоҳида талаблар қўйилади.

#### **V. Танлов фанлари модули**

##### **5.1. Пахта товаршунослиги.**

Табиий толаларнинг турлари ва уларнинг хусусиятлари билан танишиш. Табиий толаларни етиштириш, тайёрлаш ва саклаш ишларини тахлили. Пахтани териш ва тайёрлаш бўйича йўриқнома ва уни тахлили. Пахта тозалаш корхоналарида ва пахта тайёрлаш масканларида қабул қилинаётган пахта хомашёсини сифатини аниқлаш, пахтанинг сифат кўрсаткичларига қараб очиқ ва ёпиқ омборларга жойлаш, пахтани саклаш даврида сифат кўрсаткичларини аниқлаш. Пахтанинг асосий табиий сифат кўрсаткичлари. Пахтанинг сифат кўрсаткичлари аниқлаш усулларини тахлили. Пахта ва унинг маҳсулотлари учун стандартлар. Пахтанинг намлигини аниқлаш, пахтани навларга ажратиш ва пахтани ифлослигини аниқлаш бўйича тазрибалар тахлили.

#### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.**

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологиясида инновациялар, пахта тозалаш саноатини техника ва технологияларини илмий муаммолари, пахтани дастлабки ишлаш технологик жараёнларида маҳсулот сифатини назорати ва бошқаруви, табиий

толаларни дастлабки ишлаш фанининг дидактик таъминоти, пахтани дастлабки ишлаш машиналарини замонавий усулларда лойиҳалаш ва пахта товаршунослиги мавзулари доирасида олиб бориш. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Реферат (модулга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади).
- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Даражали тестлар банкини яратиш.
- Кейслар банкини яратиш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Мустақил иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда қуидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул вараги;
- кириш;
- асосий қисм;
- хуроса;
- фойдалangan адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни муроала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарсликларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва муроала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маъruzаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзgartiriлиши мумкин.

## **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзуулари:**

1. Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси бўйича дарс ўтиш.
2. Табиий толаларни етишириш, тайёрлаш ва саклашдаги илгор тажрибалар бўйича дарс ўтиш методикаси.
3. Табиий толаларни дастлабки ишлашда ишлатиладиган замонавий жиҳозларини ўргатиш
4. Пахта тозалаш саноатининг замонавий технологик жараёнлари бўйича дарс ўтиш.
5. Пахта тозалаш корхоналарида ўрнатилган аррали жинларнинг тузилиши ва ишлашини ўргатиш
6. Пахта тозалаш корхоналарида ўрнатилган аррали жинларнинг тузилиши ва ишлашини ўргатиш.
7. Машиналарни замонавий усулларда лойихалаш бўйича дарс ўтиш методикаси.
8. Пахта маҳсулотларинининг физик-механик хусусиялари замонавий усулларда аниқлаш бўйича дарс ўтиш методикаси.
9. Ишлаб чиқарилган тола, чигит ва момиқнинг стандарт талабига жавоб бериши ва сертификатлаш тартибини ўргатиш.
10. Ишлаб чиқарилаётган пахта маҳсулотларини сифатини бошқариш бўйича дарс ўтиш методикаси.
11. Компьютер тармоқлари.
12. Таълимни ташкил этиш турлари ва шакллари.
13. Дидактика – таълим назарияси сифатида.
14. Ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида кўллаш имкониятлари.
15. Электрон ўқув-методик материаллар мажмуаси, унинг тузилмаси ва таркиби.
16. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва мутахассислик фанларининг вазифалари.

### **Дастурнинг информацион-методик таъминоти.**

Модулларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот технологияларини кўлланилиши назарда тутилган:

- модулларнинг барча маъruzалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;
- тингловчиларнинг илгор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилган.

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъодод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажаги йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
17. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Халқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори
22. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. 218 б.
23. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик махорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.

24. Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. - Т.: ТДПУ, 2002й. 218 б.
- 25.Султонов Ж.С. “Канопни дастлабки ишлаш” Т. “Ўқитувчи” 1991, -195
- 26.Алимова Х.А. “Ипак чиқиндисиз технология” ТТЕСИ 1999, - 134 б.
- 27.А.Салимов “Табиий толаларни дастлабки ишлаш” Ўқув услубий мажмуа Тошкент, ТТЕСИ 2009,- 143 б,
- 28.Исломбекова Н. Б. «Табиий толаларни дастлабки ишлаш» фанининг пилла ва жун бўлимидан маъруза матни. ТТЕСИ. 2002, - 120 б.
- 29.Salimov A. “Tolani dastlabki ishlash texnologiyasi va mashinalari” Т. , “Moliya-Iqtisod”, 2010, - 182 б.
30. Salimov A. “Tola sifatini aniqlash”. Toshkent, “Turon-Iqbol”, 2006, - 175 б.
31. Жабборов F. “Чигитли пахтани ишлаш технологияси” Т. 1987, -361 б.
32. Парпиев А.ва бошқалар «Пата хом ашёсини қуритиш». Т. 2009, -169 б.
33. Ўзбекистон «Сифат» пахта маҳсулотларини стандартлаш ва сертификатлаш маркази. E-mail:sifat@bcc.com.uz [www.webcentre.ru\‐sifat](http://www.webcentre.ru/sifat)
34. Салимов А. “Пахтани дастлабки ишлаш технологияси”, Ўқув-услубий мажмуа (1 ва 2 қисмлар),Т. ТТЕСИ, 2010, - 317 б.
35. Бабажонов М.«Технологик жараёнларни лоиҳалаш». Т. 2008, - 223 б.
36. Салимов А.«Бирламчи тола агротехникаси». «Молия-Иқтисод», Т.2010, - 182 б.

#### **Интернет маълумотларн:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. <http://www.uforum.uz/>
9. Axborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
10. <http://www.xabar.uz>
11. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
12. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
13. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
14. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
15. [www.webcentre.ru-sifat](http://www.webcentre.ru-sifat)
16. E-mail sifat@ bcc.com.uz
17. [www. Samjackson. com](http://www.Samjackson. com)
18. [Lummus. sales@ Lummus com](mailto:Lummus. sales@ Lummus com)